



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
NAMANGAN VILOYATI UCHQO'RG'ON TUMANI HOKIMLIGI

Manzil: Namangan viloyati, Uchqo'rg'on shahri, Do'stlikko'chasi, 33 uy, Ind: 160900, tel: (0369) 462-12-86  
INN: 200103292, OKONX: 97600

“18” *сентябрь* 2024 yil 53/6 sonli Uchqo'rg'on shaxri

Ўзбекистон Республикасининг 22 апрел 2021 йилдаги ЎРҚ-684-сонли “Давлат харидлари тўғрисидаги”ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда 3016-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 15 майдаги 185-сон буйруғи билан тасдиқланган “Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги” низом талабларига асосан Учқўрғон туман ҳокимлигининг давлат харидларини амалга оширишда Харид комиссияси аъзоларини тасдиқлаш тўғрисида

**Б У Й Р У Қ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 22 апрел 2021 йилдаги ЎРҚ-684-сонли “Давлат харидлари тўғрисидаги”ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда 3016-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 15 майдаги 185-сон буйруғи билан тасдиқланган “Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги” низом маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳокимлиги тизимидаги ташкилот бинолари, қўшимча бинолари, қозонхона ва иссиқлик тизимлари ҳамда бошқа объектларини қурилиш-монтаж ва жорий таъмирлаш ишлари учун давлат харидларини амалга оширишда энг яхши ва муносиб ғолибни (ғолибларни) аниқлаш Харид комиссияси таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман ҳокимлиги тизимидаги ташкилотлар эҳтиёжлари учун товар иш-хизматлар сотиб олиш учун давлат харидларини амалга оширишда энг яхши ва муносиб ғолибни (ғолибларни) аниқлаш Харид комиссияси таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Харид комиссиясига:

Товар иш-хизмат еказиб беручилар томонидан юборилган тижорий таклифларни Ўзбекистон Республикасининг 22 апрел 2021 йилдаги ЎРҚ-684-сонли “Давлат харидлари тўғрисидаги”ги қонуни 20-моддасидаги талаблар ҳамда амалдаги қонунчиликда кўрсатилган бошқа талаблар асосида иш ташкил қилиш;

Ғолибни (ғолибларни) аниқлашда шаффоф, очиклик ва холислик ҳамда

давлат харидлари рақобатлашув усуллари орқали овоз берниш йўли билан амалга ошириш юклатилсин

Харид комиссияси қўйидаги вазифаларни бажариши белгилансин:

харид қилиш ҳужжатларини келинади;

таклифлар қабул қилиш муддатларини белгилайди;

таклифларни очини тартиб-таомилларини белгилайди;

таклифларни баҳолаш мезонларини ва усулларини белгилайди;

зарур бўлганда таклиф киритиш тартибини, ҳажминини ва уни таъминлаш шаклини белгилайди;

харид қилиш тартиб-таомили иштирокчиларининг таклифларини конвертлари ва электрон пакетларини очиниш амалга оширади;

дастлабки малака танловини ўтказиши, агар харид қилиш ҳужжатлари шартларида бу назарда тутилган бўлса;

зарур бўлганда дастлабки малака танлови натижаларини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилади;

зарур бўлганда баҳолаш турухини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади;

харид қилиш тартиб-таомилларини ушбу Қонунга мувофиқ амалга оширади;

харид қилиш тартиб-таомилларининг рақобатлашув турлари ҳолибини ва зарур бўлганда захирадаги ҳолибини белгилайди ёки савдони амалга оширмаган деб топади.

Харид комиссияси давлат харидлари ижрочисини аниқлаш тартиб-таомилларининг давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги, ўзи қабул қилаётган қарорларнинг асослилиги ва бегаразлиги учун жавобгар бўлади.

Харид комиссияси давлат харидларининг бошқа субъектлари томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар учун жавобгар бўлмайди.

Харид комиссияси томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинадиган қарорлар давлат буюртмачиси ва харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари учун мажбурийдир.

#### 5. Харид комиссияси раисига:

Танловларни ўтказишида комиссия мажлисларни чақириш, комиссия аъзоларини ва иштирокчиларни тўплаш, мажлисни олиб бориш, овозга қўйиш ва харид комиссияси томонидан қабул қилинган қарорларни эълон қилиш, шунингдек харид комиссияси мажлисларининг баённомаларини тузиш ва комиссия қарорларини ўз вақтида ташкилотнинг бухгалтерия бўлимига тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

6. Бош ҳисобчи (Ғ.Ҳамидов) томонидан комиссиянинг қарори асосида ҳолиб деб топилган маҳсулот иш-хизмат етказиб берувчилар билан шартномалар тузиш, амалдаги қонун талабларига асосан махсус электрон порталларга жойлаш, белгиланган тартибда туман ғазначилик бўлимидан рўйхадан ўтказиш ҳамда шартнома талабларига асосан ҳисоб-китоб ишларини бажариш таъминлансин.

7. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда кодираман.

Учқўрғон туман ҳокими:  Д.Мирханов

Туман ҳокимлиги тизимидаги ташкилот бинолари, қўшимча бинолари, қозонхона ва  
иесиклик тизимлари ҳамда бошқа объектларини қурилиш-монтаж ва жорий  
таъмирлаш ишлари учун давлат харидларини амалга оширишда энг яхши ва  
муносиб ғолибни (ғолибларни) аниқлаш  
Харид комиссияси таркиби

1. Мирханов Дилшод Абдуллаевич      Туман ҳокими – *комиссия раиси*
  
2. Носиров Хожиакбар Носиржон  
   ўғли      Туман ҳокими 1-ўринбосари – *комиссия  
раиси ўринбосари*
  
3. Ҳожаев Сайфиддин  
   Шаҳобиддинович      Туман ҳокими ўринбосари, *комиссия  
аъзоси*
4. Юлдашев Ҳасанбой  
   Мухаммадкарим ўғли      Туман ҳокими ўринбосари, *комиссия  
аъзоси*
5. Ҳамидов Ғайратжон  
   Каримжонович      Бош ҳисобчи *комиссия аъзоси*
6. Қирғизбаев Анваржон  
   Ҳабибуллаевич      Ҳисобчи, *комиссия котиби*

Туман ҳокимлиги тизимидаги таъкилот тизимидаги таъкилотлар эҳтиёжлари учун  
озик-овқат маҳсулотлари ва бошқа товар иш-хизматлар сотиб олиш учун давлат  
харидларини амалга оширишда энг яхши ва муносиб галибини (галибларини) аниқлаш  
Харид комиссияси таркиби

- |  |   |
|--|---|
| 1. Мирханов Дилшод Абдуллаевич         | Туман ҳокими – комиссия раиси                         |
| 2. Носиров Хожнакбар Носиржон ўғли     | Туман ҳокими 1-ўринбосари – комиссия раиси ўринбосари |
| 3. Жўраев Умиджон Исроил ўғли          | Туман ҳокими ўринбосари, комиссия аъзоси              |
| 4. Юлдашев Хасанбой Мухаммадкарим ўғли | Туман ҳокими ўринбосари, комиссия аъзоси              |
| 6. Хамидов Ғайратжон                   | Бош ҳисобчи комиссия аъзоси                           |
| 5. Хамидов Ғайратжон Каримжонович      |   |
| 6. Қирғизбаев Анваржон Хабибуллаевич   | Ҳисобчи, комиссия котиби                              |